

**Муҳаммад Юсуф таваллудининг 72 йиллиги муносабати билан ижодий  
танловни ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Низом Муҳаммад Юсуф таваллудининг 72 йиллиги муносабати билан хориждаги ватандошлар ўртасида ижодий ва интеллектуал танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танлов асосий ташкилотчиси “Ватандошлар” жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд), танловни ўтказишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкор ташкилотлар сифатида иштирок этади.

1.3. Мазкур Танлов 2026 йилдан бошлаб амалга оширилади.

**II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ**

2.1. Муҳаммад Юсуфнинг бой ижодий меросини хорижда кенг тарғиб қилиш;

2.2. Ёшлар ва кенг жамоатчилик ўртасида миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш;

2.3. Ватандошларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг истеъдодларини намоён этиш учун имконият яратиш;

2.4. Муҳаммад Юсуфнинг юксак маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш.

**III. ТАНЛОВ ЙўНАЛИШЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ**

3.1. Танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

– “Назм”;

– “Тасвирий санъат”.

3.2. Ҳар бир иштирокчи танланган йўналишда фақат битта ижодий иш билан иштирок этиши мумкин.

3.3. “Назм” йўналиши.

Бунда:

– иштирокчилар Муҳаммад Юсуфга бағишлаб шеър ёзадилар ёки Муҳаммад Юсуф ҳақидаги шеърни ифодали тарзда ўқийдилар;

– ижодий иш 5 дақиқадан ошмаган видеолавҳа (Mp4, Mov, Avi форматда) кўринишида тайёрланиб тақдим этилади.

3.4. “Тасвирий санъат” йўналиши.

Бунда:

– Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва фаолиятига бағишланган расм, тасвир ёки иллюстрация яратилади;

– ижодий иш иштирокчининг шахсий ижоди асосида тайёрланиши лозим;

– рақамли технологиялар ёки сунъий интеллект воситасида тайёрланган ишлар қабул қилинмайди.

**IV. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

4.1. Танлов Фонднинг Telegram ижтимоий тармоғи орқали онлайн форматда ўтказилади.

4.2. Фондга келиб тушган ижодий ишлар сараланади ҳамда

Фонднинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилади.

**V. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ**

5.1. Танловда хорижда истиқомат қилаётган 6 ёшдан катта бўлган барча ватандошлар иштирок этишлари мумкин.

5.2. Танлов қуйидаги ёш тоифалари бўйича ўтказилади:

• “Ватандош болалар” – 7-14 ёш;

• “Ватандош ёшлар” – 15-30 ёш;

• “Ватандошлар” – 30 ёшдан юқори.

5.3. Танловга ижодий ишлар Фонднинг [vatandoshlar.uz/ijod sayti](http://vatandoshlar.uz/ijod_sayti) орқали қабул қилинади.

## VI. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Танловга ижодий ишлар 20 апрелгача (шу кунни ҳам) қабул қилинади.

6.2. Назм йўналишида қабул қилинган ижодий ишлар 21 апрель кунни сараланади ва сараланган ишлар Фонднинг Telegram каналида 22-23 апрель кунлари оммавий овозбериш учун жойлаштирилади.

6.3. Барча йўналишлар бўйича танлов ғолиблари 24 апрель кунни эълон қилинади.

## VII. ИЖОДИЙ ИШЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Танловга келиб тушган ижодий ишларни баҳолаш “Назм” йўналиши бўйича қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

Танлов йўналиши	Баҳолаш			Умумий	
	Комиссия (50 балл)				Овоз бериш
Назм	Ижодий ёндашув (20 балл)	Мазмуни (20 балл)	Техник ижро сифати (10 балл)	50 балл	100 балл

7.2. Фонднинг Telegram каналида оммавий овоз бериш натижасида энг кўп овоз олган “Назм” йўналишидаги ижодий ишга **50 балл** берилади, қолган ижодий ишлар баллари эса максимал баллга муносабат равишда ҳисобланади.

7.3. “Тасвирий санъат” йўналиши бўйича келиб тушган ижодий ишлар ташкил этилган комиссия томонидан **50** баллик баҳолаш тизимида баҳоланади.

Танлов йўналиши	Баҳолаш (50 балл)
Тасвирий санъат	Асарнинг мазмуни танлов мавзусига мос келиши (10 балл)
	Асарнинг мавзуси асосида ғоянинг очиқ берилиши, ғоянинг асар олдига қўйилган вазифаларига мослиги (10 балл)
	Мавзуни ёритишда ўзига хос ижодкорлик хусусиятлари ифода этилганлиги ва креатив ёндашилганлиги (10 балл)
	Ижодий ишнинг композицион жойлаштириш маҳорати (10 балл)
	Ижодий ишдаги техника маҳорати (ранглар билан ишлаш, ёруғлик ва сояларни ишлаш маҳорати) (10 балл)

7.4. Комиссия ижодий ишларнинг мазмуни, сифати ва ижро маҳоратини баҳолайди. “Тасвирий санъат” йўналиши бўйича келиб тушган ижодий ишларга оммавий овоз берилмайди.

7.5. Комиссия таркибига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси экспертлари, рассомлар ҳамда соҳанинг мустақил экспертлари киритилади.

## **VIII. ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТАРТИБИ**

8.1. Танловнинг ҳар бир йўналиши бўйича 1, 2 ва 3-ўринлар аниқланади.

8.2. Танлов ғолиблари барча йўналишлар бўйича қуйидагича тақдирланади.

8.2.1 **“Ватандош болалар”** ижодий ишларига қуйидаги совринлар:

<b>Танлов йўналишлари</b>	<b>1-ўрин</b>	<b>2-ўрин</b>	<b>3-ўрин</b>
Назм	Ноутбук	Планшет	Мобил телефон
Тасвирий санъат	Ноутбук	Планшет	Мобил телефон

8.2.2. **“Ватандош ёшлар”** ижодий ишларига қуйидаги совринлар:

<b>Танлов йўналишлари</b>	<b>1-ўрин</b>	<b>2-ўрин</b>	<b>3-ўрин</b>
Назм	Ноутбук	Планшет	Мобил телефон
Тасвирий санъат	Ноутбук	Планшет	Мобил телефон

8.2.3. **“Ватандошлар”** ижодий ишларига қуйидаги совринлар:

<b>Танлов йўналишлари</b>	<b>1-ўрин</b>	<b>2-ўрин</b>	<b>3-ўрин</b>
Назм	Ноутбук	Планшет	Мобил телефон
Тасвирий санъат	Ноутбук	Планшет	Мобил телефон

8.3. Танловда қатнашган барча иштирокчиларга Фонд номидан электрон сертификатлар тақдим этилади.

8.4. “Назм” йўналиши бўйича келиб тушган энг сара ижодий ишлар Фонднинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилади.

8.5. “Тасвирий санъат” йўналишида ғолиб бўлган ватандошларнинг ижодий ишлари асл нусхаси Фондга тақдим этилади. Фонд келгусида улардан турли тадбир ва кўргазмаларда фойдаланади ҳамда муаллифга қайтариб берилмайди.

## **IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

9.1. Танлов ташкилотчилари ижодий ишлардан реклама ва тарғибот мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

9.2. Танловни ўтказиш тартибига зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи ташкилотчиларда сақланади.

9.3. Танлов давомида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида талқин қилиниб бартараф этилади.